

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ИСЛОМ ТАРИХИГА ОИД ЁЗИЛГАН АСАРЛАР ВА УЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ

ТРУДЫ ПО ИСТОРИИ ИСЛАМА, НАПИСАННЫЕ В РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ, И ИХ НАЗВАНИЯ

EARLY MEDIEVAL SOURCES ON ISLAMIC HISTORY AND THEIR TITLES

UMMATALIYEV Sohijon

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN

Islamic studies and Islamic civilization teacher
of the department of learning ICESCO

E-mail: sohibjonummataliyev91@mail.com

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

Аннотация. Илк ўрта асрларда мусулмон тарихнавислиги араб тилидаги тарихий асарлар билан боғлиқ бўлиб, мукамал ва аниқ тарихни ёритгани билан ажралиб туради. Улар мағозий, сийра, табақот ва бошқа номлар билан аталган бўлиб, ўзига хос услубга эга бўлган. Хусусан, мағозий асарлари Муҳаммад (с.а.в.) даврининг Мадина босқичини қамраб олган бўлса, сийра асарлари VII аср иккинчи ярмигача бўлган воқеаларни ўз ичига олган. Мағозий номи билан аталувчи асарлар Урва ибн Зубайр, Муҳаммад ибн Шихоб Зухрий, Ваҳб ибн Мунаббаҳ, Мусо ибн Уқба, Муҳаммад ибн Умар Воқидий, Муҳаммад ибн Ойз каби муаррихлар томонидан ёзилган. Сийра номи билан аталувчи илк ва энг муҳим асар Ибн Исҳоқнинг “Китоб ас-сийра вал-мағозий” асари ҳисобланади. Кейинчалик у Ибн Хишом томонидан таҳрир қилиниб, “Ас-сийра ан-набавия” номи билан машҳур бўлган. Кейинчалик сийра номи билан аталувчи асарлар Абу Исҳоқ Физорий, Исмоил ибн Касир, Ибн Саййид Нас каби тарихчилар томонидан ёзилган. Ушбу асарларда Пайғамбар (с.а.в) туғилишидан олдинги тарих, Макка ва Мадинадаги шароит, ваҳийнинг келиши, ҳижрат ва бошқа муҳим воқеалар баён этилади.

Ҳарбий ҳаракатлар тарихига оид асарларда ислом динининг тарқалиши жараёни акс этган. Уларда тарихий воқеа ва ҳодисалар билан бирга юриш қилинган шаҳар ва минтақанинг араблар келишидан олдинги тарихи, давлат бошқаруви шакли, аҳолиси, табиати, эътиқоди ҳамда минтақа аҳолисининг урф-одати ва анъаналари ҳақида маълумотлар келтирилади. Мазкур асарлар футух номи билан аталган бўлиб, Аҳмад ибн Яҳё Балозурийнинг “Футух ал-булдон”, Воқидийнинг “Футух аш-Шом” ва “Футух ал-Амсор”, Абу Убайданинг “Футух Урминия” ва “Футух Аҳваз”, Аҳмад ибн Аъсам Куфийнинг “Китоб ал-футух” асарлари муҳим тарихий манбалар ҳисобланади. Мусулмон тарихчилари томонидан ёзилган

асарлар бугунги кунга қадар муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ушбу мақолада илк ўрта асрларда ислом тарихига оид ёзилган асарлар тадқиқ қилинган. Шунингдек, мазкур асарларнинг мағозий, сийра каби туркумларда номланиши таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Аббосийлар, Балозурий, мағозий, сийра, Хожя Халифа, Урва ибн Зубайр, Муҳаммад ибн Умар Воқидий, Ибн Жарир Табарий.

Аннотация. В раннем Средневековье мусульманская историография была связана с историческими трудами на арабском языке, которые отличались полнотой и точностью освещения исторических событий. Они назывались мағазий, сийра, табақот и другими названиями и имели уникальный стиль. В частности, мағазий охватывали мединский период эпохи Мухаммада (мир ему и благословение Аллаха), а сийра – события до второй половины VII века. Мағазий были написаны такими историками, как Урва ибн Зубайр, Мухаммад ибн Шихаб Зухри, Вахб ибн Мунабба, Муса ибн Укба, Мухаммад ибн Умар Вақиди и Мухаммад ибн Айз. Первым и наиболее важным трудом, относящимся к сийра, является «Китаб ас-сийра вал-мағазий» Ибн Исхака. Позднее он был отредактирован Ибн Хишамом и стал известен как «Ас-сийра ан-набавийя». Позже такие историки, как Абу Исхак Физари, Исмоил ибн Касир и Ибн Сайид Нас, написали труды, называемые сийрой. В этих трудах описывается история до рождения Пророка (мир ему и благословение), положение дел в Мекке и Медине, ниспослание откровения, переселение и другие важные события.

Труды по истории военных походов отражают процесс распространения ислама. Они содержат информацию об истории города и региона, где проходил поход, до прихода арабов, форме правления, населении, природе, верованиях, обычаях и традициях местного населения. Эти произведения называются футух, и «Футух ал-булдан» Ахмада ибн Йахья Баазури, «Футух аш-Шам» и «Футух ал-Амсор» Вақиди, «Футух ал-Урминия» и «Футух ал-Ахваз» Абу Убайды и «Китаб» Ахмада ибн Асама Куфи. «Ал-Футух» являются важными историческими источниками. Важными источниками по сей день служат труды мусульманских историков.

Ключевые слова: Аббасиды, Балазури, мағазий, сийра, Хаджи Халифа, Урва ибн Зубайр, Мухаммад ибн Умар Вақиди, Ибн Джарир Табарий.

Abstract. In the early Middle Ages, Muslim historiography was closely connected with historical works written in Arabic and was distinguished by its comprehensive and precise depiction of history. These works were known by various titles such as maghazi, seerah, ṭabaqat, and others, each characterized by its own distinctive style. In particular, the maghazi works encompassed the Medinan period of the Prophet Muhammad (peace be upon him), while the seerah works covered events up to the second half of the seventh century. The writings referred to as maghazi were composed by historians such as Urwa ibn al-Zubayr, Muḥammad ibn

Shihab al-Zuhri, Wahb ibn Munabbih, Musa ibn Uqba, Muhammad ibn Umar al-Waqidi, and Muhammad ibn Ayz. The earliest and most significant work known by the title Seerah is Ibn Ishaq's Kitab al-Seerah wa-l-Maghazi. It was later edited by Ibn Hisham and became widely known under the title al-Seerah al-Nabawiyya. Subsequent works bearing the title Seerah were authored by historians such as Abu Ishaq al-Fazari, Isma'il ibn Kathir, and Ibn Sayyid al-Nas. These works recount the history preceding the birth of the Prophet (peace be upon him), the circumstances in Mecca and Medina, the revelation of the Qur'an, the Hijra, and other significant events.

In the works devoted to the history of military campaigns, the process of the spread of Islam is vividly reflected. Alongside accounts of historical events and occurrences, these works also provide information about the cities and regions traversed during the campaigns — including their pre-Islamic history, systems of governance, population, natural environment, religious beliefs, as well as the customs and traditions of the local inhabitants. These works were known under the title Futuh ("Conquests"), among which Ahmad ibn Yahya al-Baladhuri's Futuh al-Buldan, al-Waqidi's Futuh al-Sham and Futuh al-Amṣar, Abu Ubayda's Futuh Urminiya and Futuh Ahwaz, as well as Ahmad ibn A'tham al-Kufi's Kitab al-Futuh are considered major historical sources. The works composed by Muslim historians continue to serve as important sources of historical knowledge to this day.

This article examines the works written on Islamic history during the early Middle Ages. It also analyzes the classification and nomenclature of these works, particularly those known as maghazi and seerah.

Keywords: Abbasids, Balazuri, maghazi, seerah, Khodja Khalifa, Urwa ibn Zubayr, Muhammad ibn Umar Waqidi, Ibn Jarir Tabari.

КИРИШ

Марказий Осиё халқларининг маданияти ва маънавияти тараққиёт босқичларида муқаддас ислом дини алоҳида ўрин тутди. Илк ўрта асрларда ёзилган тарихий асарлар ислом тарихини ўрганишда дастлабки манба сифатида хизмат қилади. Айни пайтда мазкур даврда юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият илм-фаннинг барча соҳалари ривожига сабаб бўлди. IX-X асрларда Яқин Шарқда ҳукм юритган Аббосийлар давлатида ягона араб тили ва ислом ақидаси устуворлик қилди.

Илк ўрта асрларда ислом тарихига оид аксар асарлар муҳаддислар томонидан ёзилган. Чунки мазкур асарлар мавзуси асосан Муҳаммад (с.а.в) ҳаёти ва фаолиятини ёритишга қаратилган бўлиб, улар мағозий ва сийра номлари билан юритилган. Мазкур асарлар кейинги даврларда ривож топган футуҳ, табақот, тазкира ва ансоб (насаблар) каби мавзулардаги китоблар учун асос сифатида хизмат қилди. Балозурийнинг “Футуҳ ал-булдон” асари

футуҳ йўналишидаги асар бўлса-да, унда мағозий ва сийра асарларидан фойдаланилган. Демак, илк ўрта аср тарихчилари томонидан тасниф қилинган манбалар асосий мавзусига кўра маълум йўналишга эга бўлса ҳам бошқа йўналишга хос хусусиятларни акс эттира олган. Мақолада улардан айримлари кўриб чиқилади.

УСЛУБЛАР

Мағозий йўналиши. Мағозий сўзи “мағза” (مغزى) сўзининг кўплиги бўлиб, араб тилидан таржима қилинганда, “душманга қарши курашиш” маъносини англатади. Истилоҳда Расулуллоҳ (с.а.в) иштирок этган жангларга нисбатан қўлланилади. Мағозий сўзи билан бирга ғазот¹ сўзи ҳам ишлатилади. Мазкур йўналишдаги асарлар нафақат Муҳаммад (с.а.в) иштирок этган ҳарбий юришларни, балки у киши томонидан юборилган ҳарбий бўлинма – сарийялар² тарихини ҳам ўз ичига олади (Таноҳий М., 1985:43).

Ҳижрий биринчи асрнинг иккинчи ярмида (милодий VII аср охири VIII аср бошида) баъзи тобеъинлар мағозий йўналишида асарлар ёзишни бошлади. Ушбу йўналишдаги асарлар фақат ислом тарихи фани доирасида эмас, балки мусулмонлар томонидан ёзилган илк ёзма манбалар ҳисобланади. Хожа Халифа (1017/1609-1068/1657)нинг “Кашф аз-зунун” асарида келтирилишича, Мағозий йўналишида биринчи бўлиб, Урва ибн Зубайр (ваф. 94/713) асар ёзган (Халифа Х., 1981:1749). Ундан сўнг Ваҳб ибн Мунаббаҳ (ваф. 109/728), Муҳаммад ибн Шихоб Зухрий (ваф. 124/742), Осим ибн Умар ибн Қатода (ваф. 120/738) ва Мусо ибн Уқба ибн Аби Айёш (ваф. 141/758) каби олимлар мағозий йўналишида асар ёзган (Уқба М., 1994:9).

Мазкур тарихчиларнинг асарлари ҳақидаги маълумотлар Муҳаммад ибн Исҳоқ (80/699-151/769), Муҳаммад ибн Умар Воқидий (130/747-207/823), Ибн Саъд (168/784-230/845) ва Ибн Жарир Табарий асарларида келтирилган (Таноҳий, 1985:41). Қуйида баъзи мағозий асарлари ва уларнинг муаллифлари ҳақида тўхталиб ўтилади:

Урва ибн Зубайр “Ал-мағозий” асари Набий (с.а.в) ҳаётларининг айрим ўринларини, хусусан, ваҳийнинг бошланиши, баъзи бир ғазотлар ва муҳим тарихий ҳодисаларни ўз ичига олган. Асар Умавийлар саройидан келган саволларга

¹ Ғазот – арабча, “юриш қилиш”, “уруш олиб бориш” маъноларини англатади.

² Сарийя – Расулуллоҳ (с.а.в) бирор мақсадни кўзлаб, бир саҳоба бошчилигида юборган махфий жанговар гуруҳдир. Унда жанг бўлган ёки бўлмаган ҳолатда ҳам сарийя дейилади.

жавоб тарзида ёзилгани учун ғазотлар билан боғлиқ тафсилотлар ҳадислар исноди орқали зикр қилинган. Урва ибн Зубайрнинг маълумотлари ўзининг ишончлилиги билан ажралиб туради. У воқеалар тафсилотини отаси Зубайр ибн Аввом (ваф. 36/656), онаси Асмо бинти Абу Бакр (ваф. 73/692), акаси Абдуллох ибн Зубайр (1/624-73/692) ва холаси Оиша бинти Абу Бакр (ваф. 58/678) каби саҳобий ва саҳобиялардан ривоят қилган. Урва ибн Зубайрнинг “Ал-мағозий” асарида Муҳаммад (с.а.в) вафотларидан сўнг юз берган Ридда урушлари, Қодисия ва Ярмук жанглари ҳақида ҳам бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар баён қилинган (Даврий А., 2000:25).

Муҳаммад ибн Шихоб Зухрийнинг “Ал-мағозий” асари ҳам Урва ибн Зубайр берган маълумотларга қўшимча равишда бошқа ҳадислар билан бойитилган. У тарихий маълумотларни ёзишда дастлабкилардан бўлиб исломдан аввалги воқеаларни келтирган. Муҳаммад Зухрий ҳодисаларни баён қилишда тарихий изчилликка амал қилган. Илк ўрта аср араб маданиятида воқеа-ҳодисаларни назмий услубда ифода этиш кенг тарқалганлиги боис Зухрий ҳам мана шу баён услубидан унумли фойдаланган. Тарихчи асарда Расулulloх (с.а.в) ҳаёт йўлларидаги муҳим тафсилотларни зикр қилганидан сўнг, рошид халифалар даврида юз берган Абу Бакр (р.а)нинг халифа бўлиши, девон тизимининг жорий этилиши, Қуръони каримнинг жамланиши, Усмон (р.а)нинг қатл этилиши, Али (р.а)нинг халифалик даври, Жамал ва Сиффин воқеалари ҳамда халифалик бошқарувининг Умавийлар сулоласи қўлига ўтиши каби мавзуларни келтириб ўтган (Даврий А., 2000:27).

Урва ибн Зубайр ва Муҳаммад ибн Шихобнинг асарлари кейинги давр тарихчилари ижодида кузатиладиган муболаға ва бўрттиришлардан холидир. Шунингдек, бу даврда исроилиёт ривоятлари ва тўқима ҳадисларни ривоят қилиш ҳам кенг тарқалмаган эди. Ислом илмларига исроилиётнинг кириб келиши ва ривожланишига Ваҳб ибн Мунаббаҳ катта таъсир кўрсатди. У “Ал-Мағозий” асарида яҳудийларнинг Қадимги Аҳд китобида келтирилган асотир ва ривоятларга аҳамият берди. Улар орқали Қуръони каримда исми зикр қилинган пайғамбарлар ҳақидаги оятларни тафсир қилишга ҳаракат қилди. Ваҳб ибн Мунаббаҳ Одам (а.с)нинг яратилиши ва пайғамбарлар тарихига оид маълумотларни аввал яҳудий бўлиб, кейин исломни қабул қилган Абдуллох ибн Саллам (ваф. 660) ва Каъб Ахбор (ваф. 652) каби саҳобий ва тобеъинлардан ривоят қилган. Яман тарихига оид маълумотлари халқ орасида тарқалган эртак

ва ривоятларга асосланган. Шунинг учун XIV асрда яшаган мисрлик тарихчи Муҳаммад ибн Абдурахмон Саҳовий (831/1427 – 902/1497) Ваҳб ибн Мунаббаҳ ҳақида: “Унинг ривоятлари ишончли тарихчилар услубига хос эмас” дея таъриф берган (Даврий А., 2000:31).

Мағозий йўналишида ёзилган дастлабки асарлардан яна бири Мусо ибн Уқба (ваф. 141/758) нинг «Китоб ал-Мағозий» асари бўлиб, Яҳё ибн Маъин (ваф. 233/848), Аҳмад ибн Ханбал ва Молик ибн Анас (93/711-179/795) каби муҳаддислар уни ишончли манбалардан бири сифатида эътироф этишган (Таноҳий, 1985:42). Мусо ибн Уқба Мадинада туғилган ва Муҳаммад ибн Шихоб Зухридан мағозий илмини ўрганган. У китобида асосан мадиналик муҳаддислар ривоят қилган ҳадисларга мурожаат қилган. “Кашф аз-зунун” асари муаллифи Хожа Халифа ҳам Мусо ибн Уқбанинг “Ал-Мағозий” китоби ишончли асар бўлганини айтиб ўтган (Халифа Х., 1981:1749). Ўрта аср тарихчиларининг аксари Муҳаммад (с.а.в) даври тарихини ёритишда Мусо ибн Уқба маълумотларидан кенг фойдаланганлар. Шунинг учун уларнинг асарларида Мусо ибн Уқбадан иқтибослар келтирилиши кўп кузатилади. Муҳаммад Бокшиш Абу Молик ал-Мағозий асарида олинган охириги иқтибос XVI асрда яшаган тарихчи Хусайн ибн Муҳаммад Диёрбақрий (ваф. 1559)нинг “Тарих ал-хомис фи аҳвали анфус ан-нафис” асарида нақл қилинганини айтган. Муҳаммад Бокшиш иқтибослардан фойдаланиб, 1994 йилда асарни нашр эттирган (Уқба М., 1994:11).

IX асрда Муҳаммад ибн Умар Воқидий ва Муҳаммад ибн Оиз (150/767-233/847) томонидан ёзилган “Ал-Мағозий” асарлари мавзуси кенг қамровлилиги ва аҳамияти жиҳатидан алоҳида ўринга эга.

Муҳаммад ибн Умар Воқидий 747 йилда Мадинада туғилган ва ҳадис илмини имом Моликдан ўрганган. 796 йилда Воқидий Бағдодга кўчиб келган. Аббосийлар давлати вазири Яҳё ибн Халид Бармакий унинг илмий салоҳиятини юксак баҳолаб, Бағдод шаҳри қозилигига тайинлаган. Воқидий тарих соҳасида “Ал-Мағозий”, “Фатҳ ифриқия”, “Фатҳ ал-аъжам”, “Фатҳ аш-Шом” каби асарлар ёзган. Тарихчи ва муҳаддислар унинг илмий фаолиятига турлича фикр билдирадilar. Жумладан, Аҳмад ибн Ханбал, Абу Довуд Сижистоний (202/817-275/888), Абу Исҳоқ Жузжоний (ваф. 259/872), Абу Абдурахмон Насоий (215/829-303/915) каби муҳаддислар уни ёлғончи ровийлардан ҳадис ривоят қилганлиги учун танқид қилганлар (Салумий, 2004:112). Абдулазиз ибн Муҳаммад Доровардий

(ваф. 187/803), Мусъаб Зубайрий (156/773-236/851), Муҳаммад ибн Аҳмад Зухалий (172/788-258/871), Абу Бакр Соғоний (ваф. 380/990) ва бошқалар Воқидийни ишончли муҳаддис бўлганлигига гувоҳлик берадилар (Салумий А., 2004:107-109). Шамсуддин Заҳабий (673/1274-748/1348) Воқидийга берган таърифида унинг иқтидорини эътироф этган ҳолда, олтига ишончли ҳадис тўпламидан фақат ибн Можа асарида Воқидийдан ривоят қилинган бир дона ҳадис мавжудлигини айтади (Заҳабий, 2006:162). Абдулазиз Даврий (1919-2010) тарихчининг “Ал-Мағозий” асарида ижобий баҳо бериб, уни услуб ва тарихий воқеалар изчиллиги жиҳатидан Муҳаммад ибн Исҳоқнинг “Ас-Сийра” асарида кўра афзал деб ҳисоблайди (Даврий А., 2000:35).

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Оизнинг “Китаб ал-мағозий” асари ҳақида Шамсуддин Заҳабий “Мизан ал-иътидал”, “Ал-Кашиф” ва “Таҳзиб ат-таҳзиб ал-камол” номли китобларида маълумот келтирган. Асар ўз даврида тарихчилар учун муҳим манба сифатида хизмат қилган. Али ибн Асокир (499/1105-571/1176) “Тарихи Дамашқ”, Ибн Саййид Нас исми билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад Яъмурий (671/1272-734/1334) “Уюн ал-асар”, Исмоил ибн Касир (701/1301-774/1372) “Ал-Бидая ва ан-нихая”, Ибн Хожар Асқалоний (773/1371-852/1449) “Ал-Исоба” ва “Фатҳ ал-борий” китобларида Муҳаммад ибн Оиз асарида фойдаланган. Асқалонийнинг “Ибн Оиз мағосийсидан ушбу масаланинг жавобини топдим”, “Ибн Оиз нақл қилишчи” каби сўзлари унда Муҳаммад ибн Оиз асарининг қўлғамаси бўлганлигига далолат қилади (Савикат С., 1999:15). Бироқ асарнинг ҳозиргача етиб келган қўлғамаси ҳақида маълумот аниқланмади.

Ушбу ўринда мағозий услубида асар таълиф этган баъзи муаррихлар ҳақида маълумот бериш билан чекланилди. Демак, мағозий йўналишидаги асарларнинг аксар қисми VIII-IX асрларда ёзилган. Ундан кейинги асрларда ушбу йўналишда асар ёзиш нисбатан камроқ кузатилади. Хожа Халифа “Кашф аз-зунун”да XI асрда Ибн Абдулбарр Қуртубий (ваф. 463/1071), Али ибн Аҳмад Ваҳидий (ваф. 468/1076) каби тарихчилар ҳам мағозий йўналишида асар ёзганини зикр қилган (Халифа Х., 1981:1747). Илк ўрта асрларда мағозий йўналиши билан бирга сийра йўналишида ҳам тарихий асарлар ёзилган. Қуйида улар хусусида сўз боради.

Сийра йўналиши. VIII аср ўрталарида сийра йўналишида тарихий асарлар ёзиш бошланди. Сийра (السيرة) сўзи луғатда бирор кишининг таржимаи ҳоли маъносини англатади. Истилоҳда набавий (النبيه) сўзи билан қўшилиб, Муҳаммад (с.а.в) ҳаёт

йўллари ҳақида маълумот берувчи ёзма манбаларни ифода этади. Доктор Муҳаммад Таноҳий (1935-1999) сийра сўзига қуйидагича таъриф беради: “Сийра саййидимиз Муҳаммад соллалоху алайҳи ва салламнинг насаблари, туғилишлари, улғайишлари, у кишининг пайғамбарлик фаолиятлари, сифатлари ва вафотлари ҳақида ёзилган асар бўлиб, у билан бирга “ал-мағозий” сўзи ҳам ишлатилади” (Таноҳий М., 1985:43).

Сийра йўналишидаги асарларда Расулуллоҳ (с.а.в) туғилишларидан аввалги даврда бўлиб ўтган тарихий воқеалар ҳам зикр қилинади. Муаллифлар ўша даврда Макка ва Мадинадаги сиёсий-ижтимоий ва диний вазият ҳақида сўз юритади. Масалан: Абдулмалик ибн Ҳишомнинг “Ас-сийра ан-набавия” номли асарида арабларнинг келиб чиқиши, Амр ибн Луҳай билан боғлиқ араблардаги бутпарастлик тарихи, Абраҳа ва Фил воқеаси, Замзам кудугининг қазилиши каби воқеалар ёритилган (Ҳишом А., 2020:365).

Мазкур йўналишда дастлаб Муҳаммад ибн Исҳоқ, Маъмар ибн Рошид (ваф. 153/771), Нажих ибн Абдурахмон Маданий (ваф. 169/787) каби тарихчилар ижод қилди. Маъмар ибн Рошид ва Нажих ибн Абдурахмон асарларининг қўлғамалари ҳақида тадқиқот давомида маълумот топилмади. Уларнинг сийра илмида асар ёзганлиги тўғрисида Муҳаммад ибн Надим (ваф. 384/994)нинг “Ал-фихрист” (Надим, 1997:136, 138) ва Шамсуддин Заҳабийнинг “Сияр аълам ан-нубала” (Заҳабий Ш., 2006:471) каби тазкира китобларида маълумот келтирилган. Ҳозирда мавжуд бўлган сийра йўналишидаги энг қадимий асарлардан бири Муҳаммад ибн Исҳоқнинг “Китаб ас-сийра вал-мубтада вал-мағозий” китобидир.

Ибн Исҳоқ асаридаги бўлимларни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Улар қуйидагилар:

1. Мубтадо – Муҳаммад (с.а.в)га пайғамбарлик ваҳийси келгунигача бўлган давр;
2. Маъяс – Муҳаммад (с.а.в)га ваҳий келган вақтдан Мадинага хижрат қилингунигача бўлган ҳодисаларни ўз ичига олган давр;
3. Мағозий – Мадина хижратидан Расулуллоҳ (с.а.в) вафот этган кунгача бўлган вақт.

Ибн Исҳоқ ўзидан олдин ёзилган мағозий мавзусидаги асарларни жамлади ва уларни таҳрир қилди. Шунинг учун китобда саҳиҳ ҳадислар билан бирга исроилиётдан нақл қилинган ривоятларни ҳам учратиш мумкин. Муҳаммад (с.а.в) даври тарихини ёзишда Ибн Исҳоқ мадиналик муҳаддислар ривоятларига мурожаат қилди. Исроилиётдан пайғамбарлар тарихига тегишли маълумотлардан ҳам фойдаланди. Асар ҳақида кўплаб манбаларда

зикр қилинган бўлса-да, унинг мавжуд қўлёзма нусхалари бизгача тўлиқ шаклда етиб келмаган (Зоҳидов Қ., 2013:9).

Ибн Исҳоқнинг “Ас-Сийра” асари кейинчалик Абдулмалик ибн Ҳишом (ваф. 218/833) томонидан қайта қўриб чиқилди ва қўшимча маълумотлар билан тўлдирилди. Ибн Ҳишом манбаларда тарих, ахбор, ансоб, шеър, грамматика ва луғат олими сифатида шуҳрат топган бўлса ҳам, унинг устозлари, асарлари ҳақида маълумотлар етарли эмас. Ибн Исҳоқнинг “Китаб ас-сийра вал-мубтада вал-мағозий” асарини қайтадан тартибга келтирган Ибн Ҳишом мана шу асар билан шуҳрат қозонди. Тарихчи асар ёзиш жараёнида Ибн Исҳоқдан ривоят қилган энг ишончли ровийлардан Зиёд ибн Абдуллоҳ Баккой (ваф. 182/799)нинг куфий-бағдодий деб машҳур бўлган нусхасини асос қилиб олган ва ўрни келганда унга қўшимчалар ҳам киритган. Асар вақт ўтиши билан “Сийрат ибн Ҳишом” ёки “Таҳзибу ибн Ҳишом” деб аталган. Шамсуддин ибн Халликон (608/1211-681/1282) Шамсуддин Заҳабий, Исмоил ибн Касир, Муҳаммад ибн Абдурахмон Саҳовий, Муҳаммад ибн ал-Имод (1032/1623-1089/1679) каби тарихчилар мазкур асарни Расулуллоҳ (с.а.в) ҳаётига доир энг ишончли ва энг яхши сийра асари сифатида эътироф этганлар. Асар бугунги кунгача етиб келган ва Қоҳира (1978), Байрут (1987), Тонто (1995) шаҳарларида нашр этилган (Зоҳидов Қ., 2013:10).

Ибн Ҳишомнинг “Ас-сийра ан-Набавия” асарига тўртта мустақил шарҳ ёзилган бўлиб, улардан учтаси нашр этилган. Асарнинг энг кенг қамровли шарҳи андалусиялик муҳаддис Абдурахмон ибн Абдуллоҳ Сухайлийнинг (ваф. 581/1185) “Ар-равд ал-унуф фи шарҳи ас-Сийра ан-набавийя ли-Ибн Ҳишом” номли китобидир. У 1967-1970 йиллар давомида Қоҳирада нашр этилган (Сухайлий А., 1967:464).

Сийра йўналишида ёзилган муҳим асарлардан бири Абу Исҳоқ Физорий (ваф. 188/803)нинг “Китаб ас-сияр” асари ҳисобланади. Асарга Имом Шофеъий ижобий баҳо бериб: “Сийра йўналишида ҳеч ким Абу Исҳоқ Физорий каби китоб ёзмади” дея таъриф берган. Асар ҳақида Ибн Надимнинг “Ал-Фихрист”, Ибн Қутайба Динаварий (213/828-276/889)нинг “Ал-Маориф”, Ал-Масъудий (283/896-346/956)нинг “Муруж аз-Заҳаб”, Шамсуддин Заҳабийнинг “Сияр аълом ан-нубало” ва бошқа манбаларда нақл қилинган (Физорий А., 1987:61-62).

VIII-IX асрларда асос солинган сийранавислик йўналишида асар ёзиш кейинги даврларда ҳам давом этди. Аҳмад ибн Муҳаммад Мискавайх (ваф. 421/1030)нинг “Китаб ас-сияр”, Али ибн Аҳмад ибн Саъиднинг (ваф. 456/1064) “Жавомий ас-сияр”, Ибн Саййид Наснинг “Уюн ал-асар фи

фунуни ал-мағозий ваш-шамаил вас-сияр”, Исмоил ибн Касирнинг “Ас-сийра ан-набавия”, Ибн Дайбаъ Шайбонийнинг (ваф. 924/1518) “Ҳадаиқ ал-анвар ва матолиъ ал-асрор фи сийратин-набий ал-мухтор”, Муҳаммад ибн Юсуф Шомийнинг (ваф. 941/1535) “Субул ал-ҳуда вар-рошад фи сийрати хойрил-иъбад”, Нуриддин Али ибн Иброҳим Ҳалабийнинг (ваф. 1043/1634) “Инсан ал-уюн фи сийрати ал-Амин ал-Маъмун” каби асарлари сийранавислик соҳасида таълиф қилинган ноёб манбалар сифатида эътироф этилади (Таноҳий М., 1985:48).

НАТИЖА

Ўзбек тилида ҳам сийра йўналишида ёзилган замонавий нашрларни учратиш мумкин. Жумладан, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Ҳадис ва Ҳаёт” (Нубувват ва рисолат 19-жуз), Закои Кўнрапанинг “Пайғамбаримиз ва ашараи мубашшара”, Саййид Маҳмуд Тарозийнинг “Нурул басар”, Алихонтўра Соғунийнинг “Тарихи Муҳаммадий”, Аҳмад Лутфий Қозончининг “Саодат асри қиссалари”, Доктор Рамазон Бутийнинг “Фикҳ ас-сийрат ан-набавия” каби китоблари аллақачон омма қўлига етиб борган (Насруллаев Н., 2020:115). Шунингдек, Муҳаммад Ҳузарийнинг “Нурул яқин”, Абдулмалик ибн Ҳишомнинг “Ас-сийра ан-набавия”, Сафийуррахмон Муборақфурийнинг “Ар-раҳиқ ал-маҳтум”, Иброҳим Али Шаут ва Маҳмуд Муҳаммад Зайёданнинг “Исломда олтин давр” каби асарлари араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинган (Умматалиев С., 2021:75).

Мағозий ва сийра йўналишлари номланиши жиҳатидан фарқ қилса-да, улардаги тарихий услуб ўхшаш бўлган. Мағозий асарлари ғазот ва сариялар тарихини ёритиш билан бирга, сийра китобларидаги каби пайғамбарлар тарихи, Муҳаммад (с.а.в) туғилишларидан олдинги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, у зотнинг болаликлари, Макка ва Мадинадаги фаолияти каби мавзуларни ҳам ўз ичига олган.

Харбий ҳаракатлар тарихи (футух) йўналиши асарлари. VIII-IX асрларда ёзилган асарларнинг бир қисми харбий ҳаракатлар тарихини ёритишга қаратилган. Уларда тарихий воқеа ва ҳодисалар билан бирга юриш қилинган шаҳар ва минтақанинг араблар келишидан олдинги тарихи, давлат бошқаруви шакли, аҳолиси, табиати, эътиқоди ҳамда минтақа аҳолисининг урф-одати ва анъаналари ҳақида маълумотлар келтирилади.

Мазкур йўналишда асар ёзиш IX-X асрлардан ривожланди. Муҳаммад ибн Умар Воқидий, Муҳаммад ибн Оиз Дамашкий, Аҳмад ибн Яҳё

Балозурий, Аҳмад ибн Аъсам Куфий ва бошқалар ҳарбий ҳаракатлар тарихига оид китоб ёздилар.

Биргина Хожа Халифанинг “Кашф аз-зунун” асарида арабларнинг ҳарбий юришлари тарихини ёритувчи куйидаги асарлар зикр қилинган:

Муҳаммад ибн Умар Воқидийнинг “Футуҳ аш-Шом” асари. У Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ажо (ваф. 925/1519) томонидан назмий шаклда турк тилига таржима қилинган. Асар таржимаси 12 минг мисрани ташкил этган (Халифа, 1981:1237). Асар саж (қофияли наср) услубида ёзилган бўлиб, Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттоб халифалиги даврида Шом минтақасига тегишли бўлган Дамашқ, Ҳимс, Қиннисрин, Ҳалаб ва Фаластиндаги фатҳ юришлари ёритилган. “Футуҳ аш-Шом” асари 1997 йилда Байрутда нашр қилинган. “Кашф аз-зунун”да Воқидийнинг “Футуҳ ал-Амсор” номли асар ёзгани ҳақида ҳам маълумот берилган (Халифа Ҳ., 1981:1237).

Абу Убайда Муаммар ибн Мусанна Басрий (110/728-209/825)нинг “Футуҳ Урминия” асари. Муаллифнинг “Футуҳ Аҳваз” номли асари ҳам бўлган (Халифа, 1981:1239). Абу Убайданинг мазкур икки асари ибн Надимнинг “Ал-Фихрист” (Надим, 1997:80), ибн Халликоннинг “Вафаёт ал-аъйан” (Халликон Ш., 1972:239) асарларида зикр қилинган.

Аҳмад ибн Аъсам Куфийнинг «Китаб ал-футуҳ» асари. У 1199 йилда Хоразмшоҳ Такаш буйруғига биноан Муҳаммад ибн Аҳмад Муставфий томонидан форс тилига таржима қилинган. Асар тарих илмида муҳим аҳамиятга эга бўлишига қарамай ўрта аср манбаларида у ҳақида маълумот кам келган. Ёкут Ҳамавий (574/1179-626/1229) нинг “Мўъжам ал-удабо” (Ҳамавий Ё., 1993:202) ва Ибн Хожар Асқалонийнинг “Лисон ал-мизон” (Асқалоний, 2002:407) асарларида бир-бирини такрорловчи қисқача маълумотлар берилган ҳолос. 1881 йилда Германиядаги “Гота” кутубхонасида асарнинг биринчи қисми топилган. Бу вақтгача фақат китобнинг форсча таржимаси маълум бўлган. Асарнинг асл арабча нусхаси эса Истанбулдаги Топқопи Саройидаги кутубхонадан (№ 2956, иккита қисм) топилган. “Китоб ал-футуҳ” 1991 йилда Байрутда нашр қилинган (Аъсам А., 1991:1993).

Абу Ҳузайфа Исҳоқ ибн Башар Бухорий (ваф. 206/821)нинг “Футуҳ ал-байт ал-мақдис” асари (Халифа, 1981:1240). Исҳоқ ибн Башар Балҳда туғилган ва Бухорога кўчиб келиб, шу ерда вафот этган. Шунинг учун унга Бухорий нисбаси берилган. “Футуҳ ал-байт ал-мақдис” асари Хатиб Бағдодийнинг “Тарихи Бағдод” (Бағдодий Х., 2001:336), Ёкут Ҳамавийнинг “Мўъжам ал-удабо” (Ҳамавий Ё., 1993: 623), Салоҳиддин Сафдий

(696/1296-764/1363)нинг “Китаб ал-вафий бил-вафаёт” (Сафдий С., 2000:264), каби манбаларида “Китаб ал-футуҳ” деб аталган. Ибн Надимнинг “Ал-Фихрист” асарида Исҳоқ ибн Башар Бухорий томонидан ёзилган “Китаб ал-мубтада”, “Китаб ар-ридда”, “Китаб ал-жамал”, “Китаб Сиффин”, “Китаб хуфру замзам” номли асарлар санаб ўтилган (Надим М., 1997:137). Бироқ унда “Китаб ал-футуҳ” ёки “Футуҳ ал-байт ал-мақдис” асари ҳақида маълумот келтирилмаган.

Абулқосим Абдурахмон ибн Абдуллоҳ ибн Абдулҳакам Мисрий (187/803-257/871)нинг “Футуҳу Миср ва ал-Мағриб” асари (Халифа Ҳ., 1981:1240). Муаллиф асарни етти қисмга бўлиб, улардан олтитасида қадимги Миср тарихи, у ерга исломнинг кириб келиши, Амр ибн Осс давридаги бошқарув, қозилик муносабатлари ва Мисрга келган саҳобалар ҳақида сўз юритади. Фақатгина олтинчи қисмда Шимолий Африка ва Периней ярим оролининг фатҳ этилиши тўғрисида маълумот беради. Асарнинг бир нечта қўлёзма нусхаси бугунги кунгача етиб келган ва 1922, 1961, 1974, 1995 йиллари Қоҳирада нашр қилинган (Абдулҳакам И., 1995:9).

МУҲОКАМА

Аҳмад ибн Яҳё Балозурийнинг «Китаб ал-булдон ва футуҳуҳа» асари (Халифа, 1981:1204). Асар бошқа манбаларда “Футуҳ ал-булдон” номи билан машҳур. Балозурийнинг “Футуҳ ал-булдон” (“Мамлакатларнинг фатҳ этилиши”) асари арабларнинг фатҳ урушлари ҳақида ҳикоя қилувчи махсус ёзилган биринчи асардир. Ҳ асрда тарихчи Масъудий бу асардан кенг фойдаланган ва унга юксак баҳо бериб, “Китобда шарқ ва ғарбдаги, шимол ва жанубдаги ўлкалар васф қилинди. Биз мамлакатларнинг фатҳ этилиши ҳақида ёзилган бундан яхши китобни билмаймиз”, деб айтган (Масъудий, 2005:12). Бу асар биз учун алоҳида аҳамиятга эга, чунки унда арабларнинг турли мамлакатларда олиб борган ҳарбий юришлари ва Араб халифалигининг илк давридаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тарихи акс этган. Бу асар Араб халифалигининг илк тарихи билан шуғулланувчи ҳар бир мутахассис учун Табарийнинг “Тарих ар-русул ва-л-мулук” асари сингари энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Асар 1866 йилда Михаил Ян де Гье (1836-1909) томонидан Балозурий ҳаёти, унинг илмий фаолияти, “Футуҳ ал-булдон” асари қўлёзмаларига оид маълумотларни ўз ичига олган муқаддима билан замонавий шаклда чоп этилган.

Хожа Халифа асарида зикр қилинмаган бўлса-да, илк ислом тарихини ўрганишда муҳим ўринга

эга ҳарбий ҳаракатлар тарихига оид асарлар ҳам бўлгани табиий. Уларнинг таркибига Абулҳасан Мадоиний (135/752-225/840) ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Оиз асарларини киритиш мумкин. Муҳаммад ибн Исҳоқ Надим Мадоинийнинг ушбу йўналишда ёзилган 47 та асарини (Надим М., 1997:150), Ёқут Ҳамавий 34 та асарини (Ҳамавий Ё., 1993:1857) зикр қилган. Уларда Шом, Ироқ, Басра, Хуросон, Сижистон, Табаристон, Миср ва бошқа ҳудудлардаги арабларнинг ҳарбий юришлари ва ўша ҳудудларда волий мансабида ишлаган Муғйра ибн Шуъба, Абу Мусо Ашъарий, Қутайба ибн Муслим, Жунайд ибн Абдурахмон, Асад ибн Абдуллоҳ Қасрий, Наср ибн Сайёр каби шахслар тарихи ёритилган. Хатиб Бағдодий (392/1002-462/1071) нинг “Тарихи Бағдод” ва Шамсуддин Заҳабийнинг “Сияр аълом ан-нубало” асарларида ҳам Абулҳасан Мадоинийнинг ҳарбий ҳаракатлар тарихига оид асар ёзганлиги таъкидланган. Балозурий “Футуҳ ал-булдон” асарини ёзишда кўп ўринларда Мадоиний маълумотларидан фойдаланган.

Муҳаммад ибн Оизнинг “Китаб ал-футуҳ” асари ҳақида Али ибн Ҳусайн ибн Асокирнинг “Дамашқ тарихи” (Асокир А., 1995:288), Жамолддин Муззий (653/1256-742/1341)нинг “Таҳзиб ал-Камол” (Муззий Ж., 1992:427), Салоҳиддин Сафдийнинг “Китаб ал-вафий бил-вафийят” (Сафдий С., 2000), Шамсуддин Заҳабийнинг “Сияр аълом ан-нубало” (Заҳабий, 2006) номли асарларида маълумот келтирилган. Салоҳиддин Сафдий асарида Муҳаммад ибн Оизнинг “Ал-футуҳ” асари “Китаб ал-мағозий ва ал-футуҳ” шаклида бир ўринда зикр қилинган. Бундан “Ал-мағозий” ва “Ал-футуҳ” асарлари битта китоб бўлган деган хулосага келиш мумкин. Бироқ “Сияр аълом ан-нубало”да келтирилган маълумот бу фикрни рад қилади. Шамсуддин Заҳабий аввал “Ал-мағозий” асарига тўхталиб, ундан нақл қилинган ривоятларнинг аксарини эшитганлигини айтади. Сўнг Муҳаммад ибн Оизнинг бошқа асарларини, жумладан, “Китаб ал-футуҳ” асарини зикр қилади. Шундан билиш мумкинки, “Ал-Мағозий” ва “Ал-Футуҳ” асарлари битта китоб бўлмаган. Асарнинг бугунги кунгача етиб келган қўлёзма нусхаси ёки таҳқиқ ҳақида тадқиқот давомида маълумот учрамади.

Абу Махнаф Лут ибн Яҳё (110/728-170/787) ҳам ҳарбий ҳаракатлар тарихига оидасар ёзган. Унинг “Футуҳ ал-Ироқ”, “Футуҳ аш-Шом” номли асарлари бўлган. Бироқ Абу Махнаф баъзи ўринларда заиф ривоятлардан фойдаланганлиги учун ўрта аср тарихчилари эътиборидан четда қолган. Унинг Шом ва Ироқнинг эгалланиши ҳақидаги асарлари Ибн Надимнинг “Ал-Фихрист” (Надим, 1997), Ёқут

Ҳамавийнинг “Мўъжам ал-удабо” (Ҳамавий Ё., 1993), каби асарларида нақл қилинган. “Мажмаъ ар-рижал”да муаллифнинг “Футуҳу Хуросон” номли асари ҳам борлиги айtilган.

ХУЛОСА

Тазкира китобларида номи келтирилган ҳарбий ҳаракатлар тарихи ҳақидаги асарларнинг аксар қисми илк ўрта аср тарихчилари томонидан ёзилган. Бу омил ўша даврда тарихчилар орасида мазкур йўналишда асар ёзиш кенг тус олганлигини кўрсатади. Зикр қилинган асарлар Араб халифалиги таркибида бўлган минтақалар ва у ерларда яшаган халқлар тарихини ўрганишда қимматли манба вазифасини ўтайди.

Илк ўрта асрларда ислом тарихи мавзусида ёзилган асарлар юқорида келтирилган йўналиш билан чекланиб қолмади. Бу даврда сийра, табакот, ансоб, ахбор соҳаларида ҳам бир неча асарлар таълиф қилинган. Тадқиқ қилинаётган даврга тегишли тарихий асарлар ва уларнинг муаллифларини ўрганиш ишончли маълумотларни қайси манбадан олиш мумкинлигини белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ajiniyoz nomidagi Nukus Davlat Pedagogika Instituti. (2012). *Manbashunoslik fanidan Ma'ruzalar matni*. – Nukus.
2. Madraimov A, Fuzailova G. (2008). *Manbashunoslik. – Toshkent: “O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti*.
3. Абу Бакр Наршахий. (1966). Бухоро тарихи / Форс тилидан Расулев А. таржимаси. Масъул муҳаррир Ўринбоев А. – Тошкент: Фан нашриёти.
4. Азамат Зиё. (2001). *Ўзбек давлатчилиги тарихи*. – Т.: “Шарк”.
5. Аскаров А. (2007). *Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи (ўқув қўлланма)*. – Тошкент: Университет.
6. Атаев М.Р. (2011). *Маждуддин уструшонийнинг Мовароуннахр фикҳ илми тарихида тутган ўрни, тар.фан.ном. дис.* – Тошкент.
7. Аҳмедов Б. (1994). *Жўйбор хожаларининг тутган мавқеи ҳақида. // Тарихдан сабоқлар*. – Т.: “Ўқитувчи”.
8. Аҳмедов Б. (2001). *Ўзбекистон тарихи манбалари*. – Т.: “Ўқитувчи”.
9. Абдухалимов Б. (2004). “Байт ал-ҳикма” ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти (кейинги ўринларда “Байт ал-ҳикма”). – Тошкент: Тошкент ислом университети.
10. Бобожонов А. (2004). Ёқут Ҳамавийнинг “Мўъжам ал-булдон” асарида шошлик олимлар // *Шарқшунослик*. – 12 сони.

11. Бойтуллаев Р. Остонова Г. (2010). Мозий дафтарида саҳифалар. – Т.: “Ўзбекистон”.
12. Бўриев О. (1997). *Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида*. – Т.: “Абдулла Қодирий”.
13. Босворт К.Э. (2007). Мусулмон сулолалари. – Тошкент: “Фан” нашриёти.
14. Воҳидов Ш, Қодиров А. (2013). Шаркнинг машхур сулолалари. – Тошкент: Академнашр.
15. Зоҳидов, Қ. (2013). *Ислом тарихи фанидан ўқув қўлланма*. Тошкент: Тошкент ислом университети.
16. Ибн Ҳишом, А. (2020). «*Ас-сийра ан-набавийя*» I китоб // *таржимонлар: Абулҳаким Орипов, Акмалжон Икромжонов, Абдулҳамид Зайриев, Жаҳонгир Неъматов, Абдулвоҳид Аҳмадалиев*. Тошкент: «Nilol» нашриёт-матбааси.
17. Исмоилов М, Насруллаев Н. (2021). Ўрта Осиёнинг араб халифалиги бошқаруви даврида давлат муассасалари тарихи / Ўзбекистоннинг давлат муассасалари тарихи. – Тошкент: Турон Иқбол.
18. Мирзо Ж. (2001). Термиз тарихи. – Тошкент: Шарқ нашриёти.
19. Муниров Қ, Ирисов А, Носиров А. (1983). Тошкент тарихида баъзи сиймолар. – Тошкент: Фан.
20. Муҳаммаджонов А. (2009). Қанг – қадимги Тошкент ва тошкентликлар. – Тошкент: Шарқ нашриёти.
21. Насруллаев, Н. (2020). *Манбашунослик. Дарслик*. Тошкент: Наврўз.
22. Умматалиев, С. (2021). *Ислом тарихидан олтин саҳифалар – Умавийлар даври*. Тошкент: Ўқитувчи.
23. Хўжаев А. (2013). Фарғона тарихига оид маълумотлар: Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар. – Фарғона: “Фарғона” нашриёти.
24. Раҳимжонов Д, Муратов Д, Обидов Р, Алимова М. (2013). Ҳадисшунослик: ўқув қўлланма. – Тошкент: Тошкент ислом университети.
25. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. (2017). *Ислом тарихи, иккинчи китоб*. – Тошкент: Ҳилол нашр.
26. Ибн Абдулҳаким. (1995). Футуху Миср ва ал-Мағриб / муҳаққиқ ва ношир Доктор Али Муҳаммад Умар. Қоҳира: Мактаба ас-сафофа ад-дийнийя.
27. Даврий, А. (2000). Нашъату илм ат-таърих инда ал-аъроб. Абу Даби: Марказу зайид лит-турос ва ат-таърих.
28. Асқалоний, И. Ҳ. (2002). Лисан ал-мийзан I жуз. Байрут: Дар ал-башаир ал-исламия.
29. Хатиб Бағдодий. (2001). Тарихи Бағдод, VII жуз. Байрут: Дар ал-ғарб ал-исламия.
30. Муззий, Ж. (1992). Таҳзиб ал-Камол, XXV жуз. Байрут: Муассаса ар-Рисала.
31. Физорий, А. И. (1987). Китаб ас-сияр / муҳаққиқ: доктор Форук Ҳаммода. Ар-Работ: Муассаса ар-рисала.
32. Ҳамавий, Ё. (1993). Мўъжам ал-удабо, I жуз. Байрут: Дар ал-ғарб ал-исломий.
33. Ибн Надим. (1997). Ал-Фихрист. Байрут: Дар ал-маърифат.
34. Ибн Асокир. (1995). Тариху мадинати Дамашқ, LIII жуз. Байрут: Дар ал-фикр.
35. Савикат, С. и. (1999). Муҳаммад ибн Оиз Дамашкий ва мусоннафатуху ат-таърихийя // мажалла ад-даро, хижрий 1420 йил / милодий 1999 йил 3 сони. Ар-Риёд: Дар ал-малик Абдулазиз.
36. Салумий, А. и. (2004). Воқидий ва китабуху ал-мағозий. ал-Мадина: Ал-жамиъа ал-исламия.
37. Сафдий, С. (2000). Китаб ал-вафий бил-вафаёт, VIII жуз. Байрут: Дар ихё ат-турос ал-аробий.
38. Суҳайлий, А. и. (1967). Ар-равд ал-унуф фи шарҳи ас-Сийра ан-набавийя ли-Ибн Ҳишом. Қоҳира: Дар ал-кутуб ал-исламия.
39. Ибн Аъсам Куфий. (1991). Китоб ал-футух / муҳаққиқ: Али Ширий. Байрут: Дар ал-Адва.
40. Заҳабий, Ш. (2006). Сияр аълом ан-нубало, VIII жуз. Қоҳира: Дар ал-ҳадис.
41. Заҳабий, Ш. (2006.). Сияр аълом ан-нубало, VI жуз. Қоҳира: Дар ал-ҳадис.
42. Ибн Исҳоқ. (2004). Ас-сийра ан-набавийя. Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя.
43. Масъудий. (2005). Муруж аз-заҳаб, I жуз. Байрут: ал-мактаба ал-асрийя.
44. Таноҳий, М. М. (1985). Ал-Мувжаз фи марожийит-тарожим вал-булдан вал-мусаннафат ва таърифот ал-улум. Қоҳира: Мактаба ал-Хонажи.
45. Мусо ибн Уқба. (1994). Ал-мағозий // муҳаққиқ Муҳаммад Боқшиш Абу Молик. Акадир: Жамиъа ибн аз-Зухр.
46. Халифа, Х. (1981). Кашф аз-зунун, II жуз. Байрут: Дару ихё ат-турос ал-аробий.
47. Ибн Халликон. (1972). Вафаёт ал-аъён V жуз / муҳаққиқ Доктор Эҳсон Аббос. Байрут: Дару Содир.

REFERENCES

1. Ajiniyoz nomidagi Nukus Davlat Pedagogika Instituti. (2012). “Manbashunoslik” fanidan ma’ruzalar matni. – Nukus.
2. Madraimov A, Fuzailova G. (2008). Manbashunoslik. – Toshkent : “O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti.
3. Abu Bakr Narshaxiy. (1966). Buxoro tarixi / Fors tilidan Rasulev A. tarjimas. Mas’ul muharrir O’rinboyev A. – Toshkent : Fan nashriyoti.
4. Azamat Ziyo. (2001). O’zbek davlatchiligi tarixi. – T. : Sharq.
5. Asqarov A. (2007). O’zbek xalqining etnogenezi va etnik tarixi (o’quv qo’llanma). – Toshkent : Universitet.
6. Atayev M.R. (2011). Majduddin al-ustrushoniyning Movarounnahr fiqh ilmi tarixida tutgan o’rni, tar.fan. nom. dis.. – Toshkent.
7. Ahmedov B. (1994). Jo’ybor xojalarining tutgan mavqeyi haqida. // Tarixdan saboqlar. – T. : O’qituvchi.
8. Ahmedov B. (2001). O’zbekiston tarixi manbalari. – T.: O’qituvchi.
9. Abduhalimov B. (2004). “Bayt al-hikma” va O’rta Osiyo olimlarining Bag’doddagi ilmiy faoliyati (keyingi

- o'rinlarda "Bayt al-hikma"). – Toshkent : Toshkent islom universiteti.
10. Bobojonov A. (2004). Yoqut al-Hamaviyning "Mo'jam al-buldon" asarida shoshlik olimlar // Sharqshunoslik. – 12 soni.
 11. Boytullayev R. Ostonova G. (2010). Moziy daftaridan sahifalar. – T. : O'zbekiston.
 12. Bo'riyev O. (1997). Temuriylar bunyodkorligi davr manbalarida. – T. : Abdulla Qodiriy.
 13. Bosvort K.E. (2007). Musulmon sulolalari. – Toshkent : "Fan" nashriyoti.
 14. Vohidov Sh, Qodirov A. (2013). Sharqning mashhur sulolalari. – Toshkent : Akademnashr.
 15. Zohidov, Q. (2013). Islom tarixi fanidan o'quv qo'llanma. Toshkent : Toshkent islom universiteti.
 16. Ibn Hishom, A. (2020). «As-siyr an-nabaviyya» 1 kitob // tarjimonlar: Abulhakim Oripov, Akmaljon Ikromjonov, Abdulhamid Zayriyev, Jahongir Ne'matov, Abdulvohid Ahmadaliyev. Toshkent : «Hilol» nashriyot-matbaasi.
 17. Ismoilov M, Nasrullayev N. (2021). O'rta Osiyoning arab xalifaligi boshqaruvi davrida davlat muassasalari tarixi / O'zbekistonning davlat muassasalari tarixi. – Toshkent : Turon Iqbol.
 18. Mirzo J. (2001). Termiz tarixi. – Toshkent : Sharq nashriyoti.
 19. Munirov Q, Irisov A, Nosirov A. (1983). Toshkent tarixida ba'zi siymolar. – Toshkent : Fan.
 20. Muhammadjonov A. (2009). Qang' – qadimgi Toshkent va toshkentliklar. – Toshkent : Sharq nashriyoti.
 21. Nasrullayev, N. (2020). Manbashunoslik. Darslik. Toshkent : Navro'z.
 22. Ummataliyev, S. (2021). Islom tarixidan oltin sahifalar – Umaviylar davri. Toshkent : O'qituvchi.
 23. Xo'jayev A. (2013). Farg'ona tarixiga oid ma'lumotlar: Qadimiy va ilk o'rta asr Xitoy manbalaridan tarjimalar va ularga sharhlar. – Farg'ona : "Farg'ona" nashriyoti.
 24. Rahimjonov D, Muratov D, Obidov R, Alimova M. (2013). Hadisshunoslik: o'quv qo'llanma. – Toshkent : Toshkent islom universiteti.
 25. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. (2017). Islom tarixi, ikkinchi kitob. – Toshkent : Hilol nashr.
 26. Ibn Abdulhakam. (1995). Futuhu Misr va al-Mag'rib / muhaqqiq va noshir Doktor Ali Muhammad Umar. Qohira: Maktaba as-saqofa ad-diniyya.
 27. Davriy, A. (2000). Nash'atu ilm at-ta'rix inda al-a'rob. Abu Dabi: Markazu zayid lit-turos va at-ta'rix.
 28. Asqaloni, I. H. (2002). Lisan al-miyzan I juz. Bayrut: Dar al-bashair al-islamiyya.
 29. Xatib Bag'dodiy. (2001). Tarixi Bag'dod, VII juz. Bayrut: Dar al-g'arb al-islamiy.
 30. Muzziy, J. (1992). Tahzib al-Kamol, XXV juz. Bayrut: Muassasa ar-Risala.
 31. Fizoriy, A. I. (1987). Kitab as-siyar / muhaqqiq: doktor Foruq Hammuda. Ar-Rabot: Muassasa ar-risala.
 32. Hamaviy, Yo. (1993). Mo'jam al-udabo, I juz. Bayrut: Dar al-g'arb al-islomiy.
 33. Ibn Nadim. (1997). Al-Fihrist. Bayrut: Dar al-ma'rifa.
 34. Ibn Asokir. (1995). Tarixu madinati Damashq, LIII juz. Bayrut: Dar al-fikr.
 35. Savikat, S. i. (1999). Muhammad ibn Oiz ad-Damashqiy va musonafatuhu at-ta'rixiiyya // majalla ad-daro, hijriy 1420 yil / milodiy 1999 yil 3 soni. Ar-Riyod: Dar al-malik Abdulaziz.
 36. Salumiy, A. i. (2004). Al-Voqidiy va kitobuhu al-mag'oziy. al-Madina: Al-jami'a al-islamiyya.
 37. Safdiy, S. (2000). Kitab al-vafiy bil-vafayot, VIII juz. Bayrut: Dar ihyo at-turos al-arobiy.
 38. Suhayliy, A. i. (1967). Ar-ravd al-unuf fi sharhi as-Siyr an-nabaviyya li-Ibn Hishom. Qohira: Dar al-kutub al-islamiyya.
 39. Ibn A'sam Kufiy. (1991). Kitob al-futuh / muhaqqiq: Ali Shiriy. Bayrut: Dar al-Adva.
 40. Zahabiy, Sh. (2006). Siyar a'lam an-nubala, VIII juz. Qohira: Dar al-hadis.
 41. Zahabiy, Sh. (2006.). Siyar a'lam an-nubala, VI juz. Qohira: Dar al-hadis.
 42. Ibn Is'hoq. (2004). As-siyr an-nabaviyya. Bayrut: Dar al-kutub al-ilmiyya.
 43. Mas'udiy. (2005). Muruj az-zahab, 1 juz. Bayrut: al-maktaba al-asriyya.
 44. Tanohiy, M. M. (1985). Al-Muvjaz fi maroji'it-tarojim val-buldan val-musannafat va ta'rifot al-ulum. Qohira: Maktaba al-Xonaji.
 45. Muso ibn Uqba. (1994). Al-mag'oziy // muhaqqiq Muhammad Boqshish Abu Molik. Akadir: Jami'a ibn az-Zuhr.
 46. Xalifa, H. (1981). Kashf az-zunun, II juz. Bayrut: Daru ihyo at-turos al-arabiy.
 47. Ibn Xallikon. (1972). Vafayot al-a'yon V juz / muhaqqiq Doktor Ehson Abbos. Bayrut: Daru Sodir.